



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб


Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Diloram Babajanova O‘ZBEKISTONDA MILLATLARARO TOTUVLIK VA BAG‘RIKENGLIKNI TA‘MINLASHGA DOIR DAVLAT SIYOSATI.....	5
2. Ойбек Абдимўминов БМТ ИСЛОҲОТЛАРИ: СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР.....	11
3. Sarvar Axmedov XX ASRNING 60-80 YILLARIDA O‘ZBEKISTONNING ILM-FAN SOHASIDAGI HAMKORLIK ALOQALARI.....	18
4. Nafosat Botirova ANTIK DAVR O‘RTA OSIYO XALQLARI JANG OLIB BORISH USLUBLARI.....	23
5. Дмитрий Епифанов АНАЛИЗ ДЕНЕЖНОЙ И НАЛОГОВОЙ РЕФОРМ БУХАРСКОГО ПРАВИТЕЛЯ АБДУЛЛА-ХАНА II ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ ХАНСТВА.....	28
6. Istora Jo‘rayeva O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARINING IJTIMOIIY-DEMOGRAFIK QIYOFASI.....	31
7. Xamdani Matyakubov TOSH DAVRIDA XO‘JALIK SOHASI, MADANIYAT VA IJTIMOIIY ALOQALAR (XORAZM VOHASI MISOLIDA).....	35
8. Sahodat Murtazova, Otabek Ziyodov O‘ZBEK ESTRADA SAN‘ATINING SHAKLLANISHI VA UNING ATOQLI VAKILLARI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	43
9. Sevara Pulatova IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA RASSOMLAR FAOLIYATINI SAFARBAR ETISH JARAYONLARI.....	48
10. Yoqubjon Tayronov TURKISTONDA MAHALLIIY BOYLARNING METSENATLIK FAOLIYATLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR (Milliy matbuot materiallari asosida).....	53
11. Dildora Tursunova HUNARMANDCHILIK ASOSIDA XOTIN-QIZLAR BANDLIGINI TA‘MINLASH.....	59
12. Солижон Қудратов СИРДАРЁ ҲАВЗАЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ.....	63



Солижон Қудратов,
Тарих фанлари номзоди
Гулистон давлат университети
“Тарих” кафедраси доценти
salijankudratov60@gmailcom

СИРДАРЁ ҲАВЗАЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

For citation: Solijon Qudratov. THE EMERGENCE OF STATEHOOD SYSTEMS IN THE SYRDARYA BASINS. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 2, pp.63-73

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14978676>

АННОТАЦИЯ

Сирдарё ҳавзасида давлатчилик тизимининг пайдо бўлиши масаласи мазкур тадқиқотнинг асосий мазмунини ташкил этади. Мазкур мақолада ушбу йўналишдаги янги тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Сирдарё ҳавзалари зонасида эса Парғана, Уструшона, Чоч ва қуйи Сирдарё тарихий-маданий ўлкалари жойлашган бўлган. Ушбу ҳудудларда давлатчиликнинг пайдо бўлиши Амударё ҳавзасида жойлашган тарихий-маданий вилоятлардан фарқли равишда кечган. Мақолада Сирдарё ҳавзасида давлатчиликнинг пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, умумий томонлари ва аксинча фарқлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Сирдарё ҳавзаси, Парғона, Уструшона, Чоч, Чуст, Далварзин, Қайроққум, Эйлотон, Қирқхужра, Нуртепа, Андроновно, Бурғулуқ.

Солижон Қудратов,
Кандидат исторических наук
Доцент кафедры «История»
Гулистанского государственного университета
salijankudratov60@gmailcom

ВОЗНИКНОВЕНИЕ СИСТЕМ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В БАССЕЙНАХ СЫРДАРЬИ

АННОТАЦИЯ

Вопрос возникновения систем государственности в бассейне Сырдарьи составляет основное содержание данного исследования. В статье анализируются результаты новейших исследований по этой теме. Регион бассейна Сырдарьи включает историко-культурные территории Ферганы, Уструшаны, Чача и Нижней Сырдарьи. Процесс формирования государственности в этих областях протекал иначе, чем в историко-культурных регионах бассейна Амударьи. В статье рассматриваются особенности, общие черты и отличия возникновения государственности в бассейне Сырдарьи.

Ключевые слова: бассейн Сырдарьи, Фергана, Уструшана, Чач, Чуст, Дальварзин, Кайраккум, Эйлотон, Кыркхужра, Нуртепа, Андроново, Бургулук.

Solijon Qudratov,
Candidate of Historical Sciences
Associate Professor, "History" Department
Gulistan State University
salijankudratov60@gmail.com

THE EMERGENCE OF STATEHOOD SYSTEMS IN THE SYRDARYA BASINS

ABSTRACT

The issue of the emergence of statehood systems in the Syrdarya basin constitutes the main content of this study. The article analyzes the results of recent research in this field. The Syrdarya basin region includes the historical and cultural territories of Fergana, Ustrushana, Chach, and the Lower Syrdarya. The process of statehood formation in these areas evolved differently compared to the historical-cultural regions of the Amudarya basin. The article examines the specific features, commonalities, and distinctive differences in the emergence of statehood in the Syrdarya basin.

Index Terms: Syrdarya basin, Fergana, Ustrushana, Chach, Chust, Dalverzin, Qayroqqum, Eyloton, Qirqhujra, Nurtepa, Andronovo, Burguluk.

1. Долзарблги:

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши масаласи чуқур тадқиқ қилиниб келинмоқда. Бироқ тан олиш керакки, давлатчилигимизнинг пайдо бўлиши аксарият ҳолларда Амударё ҳавзасида жойлашган ҳудудлар – қадимги Бактрия ва қадимги Хоразм ҳудудларида ташкил топган давлатлар тарихини тадқиқ қилиш устувор йўналиш сифатида қараб келинди. Воҳаланки, давлатчилигимиз тарихида Сирдарё ҳавзасида жойлашган тарихий-маданий вилоятлар – Фарғона, Сирдарё ва Тошкент воҳалари ҳам муҳим ўрин тутган. Ушбу ҳудудларда сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига таҳлилий ёндошиш ўзбек давлатчилиги тарихига оид янги фикрларни билдириш имкони беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда ўзбек давлатчилигининг муҳим макони Сирдарё ҳавзасида давлатчилик тизимининг пайдо бўлиши масаласи ёритилган.

Сирдарё ҳавзасида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳудудлар кесимида ўрганилган. Жумладан, Парғана ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласи Ю.А. Заднепровский, Н.Г. Горбунова, А. Анорбоев, Г. Иванов, Б. Матбобоевлар томонидан ўрганилган. Чоч ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласи Ю. Ф. Буряков, М.И. Филановичлар томонидан Уструшона ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласи Н. Негматов, М. Пардаевлар томонидан ўрганилган[1;4-8;13-19;30-37].

3. Тадқиқот натижалари:

Қадимдан ўтроқ-деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳолининг ёнма-ён ҳаёт кечириш тарзи Фарғона тарихининг ўзига хослигини белгилайди. Соё ва дарёлар бўйларидаги воҳаларда деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли яшаган бўлса, тоғ, тоғ олди ва қир-адирларда аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Улар уйғун равишда ривожланишган. Айнан шу ҳолат қадимги Фарғона моддий маданияти ривожининг ўзига хослигини белгилаган.

Фарғона водийсида ўтроқ-деҳқончилик ривожини учун зарур барча табиий-географик шарт-шароитлар мавжуд бўлган. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Фарғона водийсида суғорма деҳқончилик мил.авв. III минг йилликнинг иккинчи

ярмида пайдо бўлади. Ғовасой воҳасидаги Буванамозор (Биби она) ёдгорлигининг қуйи қатламларидан топилган археологик материаллар шу ҳақда гувоҳлик беради. А. Анарбоев Фарғона водийсида илк деҳқончилик илдизлари адир ҳудудларида шаклланганлиги борасидаги илмий қарашларини илгари суради[1,с.24]. Шунингдек, Шағим мазоридан топилган асору-атиқалар, Ҳак хазинаси, Сўҳ тарози тошлар мил.авв. III – II минг йилликларнинг чегарасида, Фарғона водийсида хронологик жиҳатдан Номозгоҳ V даврига тўғри келадиган илк бронза даври археологик ёдгорликлар бўлганлиги борасида гувоҳлик беради[2,с.256-265]. Мутахассислар уларни генетик жиҳатдан Жанубий Туркменистон ва қадимги Элам цивилизацияси билан боғлиқлиги борасида фикр билдиришади[3,с.44-53].

Бироқ, Фарғонада Намозгоҳ VI (ривожланган бронза) даври археологик ёдгорликлари ҳозирча топилгануца йўқ. Буни сабаби ҳозирча номаълум.

Фарғонада сўнгги бронза даврида Фарғонада иккита ўтроқ-деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг Чуст маданияти ва кўчманчи чорвадорларнинг Қайроққум маданияти мавжуд бўлган.

Бугунги кунда Фарғонада Чуст маданиятига оид 80 дан ортиқ ёдгорлик топилган. Ушбу маданиятнинг ўзига хослиги қўлда ясалган, қизил ранг билан бўялган сопол идишлар ҳисобланади.

Чуст маданияти учун аҳолининг воҳа-воҳа бўлиб яшаш тарзи хос. Ушбу даврда 15 та воҳа мавжуд бўлганлиги аниқланган. Ҳар бир воҳа бир-биридан 20-30 км. узоқликда жойлашган ва ҳар бир воҳанинг марказий шаҳари бўлиб, унинг атрофида бир нечта қишлоқ манзилгоҳлари бўлган. Аҳолининг воҳа-воҳа бўлиб жойлашиш тизими сунъий суғоришни, сунъий суғориш эса ўз навбатида сув иншоотларини барпо этиш ва таъмирлаш учун аҳолининг уюшишини тақозо этган. Бунинг учун бошқарув тизими, демакки, давлат зарур бўлган. Шундан келиб чиқиб, мутахассислар чуст маданиятининг охирларига келиб, мил.авв. VIII-VII асрларда қадимги Фарғонада илк давлатчилик тизими, воҳа давлатчилиги бўлганлиги борасида фикр билдиришади[4,с.13-15]. Ушбу даврга оид арк ва мудофа деворига эга бўлган Далварзинтепа манзилгоҳи Фарғонадаги энг қадимги шаҳар, воҳа-давлатлар марказларидан бири бўлган деб таърифланади[5,с.102].

Чуст маданиятини даврлаштириш масаласи борасида фанда турли қарашлар мавжуд. Ю.А. Заднепровский Ўш манзилгоҳидан олинган радиокарбон таҳлиллар асосида чуст маданиятини мил.авв. XVI/XV – VIII/VII асрлар билан даврлаштиради[5,с.103.]. Б. Матбобоев Чуст, Далварзин ва Ўш манзилгоҳларидан олинган намуналарнинг радиоуглерод таҳлиллари асосида чуст маданиятини мил.авв. XII-VIII/VII асрлар билан даврлаштиради[6,с.39]. Г.П. Ивановнинг чуст маданияти ёдгорликларининг юқори қатламларини улардан топилган шимолий Бактрия сопол идишларига ўхшаш сопол идишлар асосида мил.авв. VIII-VII асрлар билан, қуйи қатламларини мил.авв. II минг йиллик охирлари (мил.авв. XIII аср) билан даврлаштиради[7]. А.Анорбоев ва С.Баратов Чуст-Бибиона манзилгоҳида олиб борган тадқиқотлари натижасида чуст маданиятини мил.авв. XIV асрнинг охири - IX асрнинг охири билан даврлаштирадилар[8,с.216].

Бироқ чуст маданиятининг мил.авв. XV-XIV асрдан то мил.авв. VIII-VII асрларгача, тахминан 700-800 йил давом этганлиги масаласи назаримизда баҳсли.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида Евроосиё дашт қабилалари Фарғона водийсининг жанубий ва ғарбий ҳудудларига ҳам кириб келганлар. А.Н. Бернштам 1940 йилда Сулаймон тоғидан жанубда, Ўш шаҳри яқинидан топилган арчасимон нақшли сопол парчалари билан танишиб, бу сопол парчаларини бронза даврининг Андроново-Карасук маданиятига тегишли эканлигини таъкидлайди ва унинг санасини милоддан аввалги II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошлари билан белгилайди[9,с.186]. 1956 йилда Б.А. Литвинский водийдан топилган дашт чорвадорлари ёдгорликларини Қайроққум маданияти вакилларига тегишли бўлганлиги борасидаги фикрини илгари суради[10,с.191-196]. Тадқиқотчи фикрича, ушбу маданият Қозоғистон ҳудудида бўлган Андроново маданияти билан узвий боғлиқ, Шу билан бирга қайроққумликлар хўжалик тарзининг ўзига

хос томонлари ва сопол идишларидаги нақшларнинг мотив(мазмун)и билан Андроново маданиятидан фарқ қилган.

Ушбу маданиятнинг сўнгги босқичида чуқур маданияти таъсирида пайдо бўлган сопол идиш типлари ривожланади. Ўз навбатида чуқур маданияти сополчилигида ва бронзадан ишланган меҳнат қуролларида қайроққум маданияти таъсири кузатилади. А. Анарбоев ва С. Баратовларнинг фикрича, ушбу даврдаги чорвадорларига тегишли қабрлар тузилишининг Чуқур маданиятининг Қашқарчи ва Япағи мазорларидаги катакомба қабрлар тузилишига ўхшашлиги уларнинг бир даврда ва фаол маданий алоқада бўлишганлиги борасида гувоҳлик беради[11.с.18].

Фарғонанинг илк темир даври мутахассислар томонидан турлича даврлаштирилади ва номланади. Масалан, Ю. А. Заднепровский ушбу даврни мил.ав. VII-IV асрларга оид Эйлтон маданияти даври деб номлашни таклиф этган бўлса[12.], Н. Г. Горбунова ушбу даврни мил.ав. VI-III асрлар билан даврлаштириб уни Эйлтон-Оқтом маданияти деб номлашни таклиф этади. Маданиятнинг айнан шундай номланиши сабаби олима фикрича, бу ном Фарғонанинг ўзига хослигини яъни деҳқонлар ва чорвадорлар уйғунлигини акс эттириши лозим[13].

Шарқий Фарғонада “чуқур” маданияти ўрнида “Шўрабошот маданияти” қарор топади. Ушбу даврда манзилгоҳлар сони олдинги “чуқур” маданияти даврига қараганда 15 баробар ошади[14]. Г.П. Ивановнинг фикрича, шу даврдан бошлаб Фарғонада чархда ясалган қизил ангобли сопол идишлар кенг тарқалади. Шўрабошот маданиятида чуқур маданиятига хос бўлган қўлда ясалган нақшли сопол идишлар, тош омовлар, пичоқсимон ўроқлар ва хўжалик ўраларининг мавжудлиги улар ўртасидаги ворисийликдан далолат беради. П.П. Гаврющенконинг фикрича, Чуқур маданиятидан шўрабошот маданиятига ўтиш даврида бутун Фарғонада чорвадорларнинг маданий таъсири устун бўлган[15,с.20].

Қирқхужрадан топилган асору-атиқалар Фарғонада қадимги шаҳарлар Эйлтон маданияти билан боғлиқлиги борасида гувоҳлик беради. Арк ва шахристон қисмларидан иборат бўлган Қирқхужрани мутахассислар мил.авв. VII асрнинг бошлари билан даврлаштиришади[16.с.23-26].

Г.П. Иванов фикрича, мил.авв. VIII асрда Шимолий Бактриядан келган чорвадор аҳоли маҳаллий Қайроққум маданияти вакиллари билан аралашиб, янги маданият Эйлтон-Оқтом маданиятига асос солишади[7, с.5-12]. Бундай хулосага келишга иккита асос мавжуд. Биринчидан, ушбу даврда Фарғонада, бактрияликларга хос бўлган чархда ишланган сопол идишлар пайдо бўлади, иккинчидан, чархда ишланган сопол идишларининг аксарияти маҳаллий чорвадорларнинг қўлда ясалган сопол идишлари шаклини такрорлайди. Бу фикрга Б.Х. Матбобоев қарши чиқиб, биринчидан, чуқур маданияти ўрнига Эйлтон маданияти келишини, иккинчидан, бу даврда Бактриянинг Фарғонага эмас, аксинча, Фарғона сополчилигининг Бактрияга таъсири бўлганлигини ёзади[17.с.233 б.]. Бироқ, гап чархда ишланган сопол идишларнинг Фарғонада пайдо бўлиши борасида бормоқда. Ўз вақтида Н.Г. Горбунова ҳам Фарғонада кулолчилик чархининг пайдо бўлишини Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий районлари билан боғлиқлигини тахмин қилганди[18.с.44].

Бактриялик чорвадорларнинг Фарғонага миграциясини эътироф этган ҳолда, ушбу даврда (мил.авв. VII-VI асрлар) кўчманчи чорвачиликнинг пайдо бўлиши билан янги яйловларга бўлган эҳтиёж ён-атрофдаги тоғлар(Тянь-Шань, Етгисув, Помир-Олой)даги чорвадорларнинг жанубий ва ғарбий Фарғонага(қайсики бўш яйловларга) келиб жойлашишларига сабаб бўлганлигини ҳам эътиборга олиш зарур[19.с.102]. Фарғона водийсидан топилган илк саклар даври(мил.авв. VIII-VII аср)га оид асору-атиқалар айнан шундан далолат беради. Шу сабабли Фарғонанинг теграсида, воҳа аҳолиси билан узоқ давр мабойнида ёнма-ён яшаган аҳолини келгинди деб аташ кўпам тўғри эмас[20,с.224-226]. Назаримизда, ушбу маданиятнинг чорвадорларгагина тегишли эканлигидан келиб чиқиб, уни “Оқтом” маданияти деб номлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга тегишли маданиятда мил.авв. III асргача бўлган даврда ўтроқ аҳолига тегишли манзилгоҳлар мавжуд бўлмаганлиги бунга асос бўлади. Шу тариқа, илк темир даврида алоҳида-алоҳида бўлсада,

Шўрабошот(ўтроқ аҳоли) ва Оқтом(чорвадорлар) маданиятлари вакиллари бир вақтда истиқомат қилишган[7].

Мил.авв. мил. авв. III-II асрларда экологик сабаб туфайли қуйи Сирдарёдан жанубга силжишга мажбур бўлган чирикрабад маданияти вакиллари – дахларнинг бир қисми Фарғонага келиб ўрнашадилар. Улар томонидан бу ерларда янги ерлар ўзлаштирилиб, янги шаҳарлар (Арктепа, Биловуртепа), барпо этилади[21,с.9].

Бизнингча, мил. авв. III-II асрларда Шўрабошот ва Оқтом маданиятлари вакиллари ҳамда экологик сабаб туфайли қуйи Сирдарёдан дарё бўйлаб жанубга силжишга мажбур бўлган дахларнинг синтезидан янги маданият юзага келади. Ушбу маданият Н.Г. Горбунова томонидан қўғай-қорабулоқ маданияти деб номланган. Айнан шу маданият вакиллари Довон подшолигига асос солишади.

Сирдарё замини(ўрта Сирдарё ҳавзаси чап соҳили-Қ.С.)да инсонлар қадимги тош давридан бери яшаб келишган бўлсада, илк аҳоли манзилгоҳлари қачон пайдо бўлганлиги масаласига аниқлик киритиш долзарбдир. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар натижаларига таҳлилий ёндошиш бу борада янги қарашларни илгари суриш имконини беради. Назаримизда, мутахассислар томонидан мил.авв. X-IX асрларда, дастлаб Бақтрияга келиб, бу ерда маҳаллий кулоллардан кулолчилик сирларини ўрганган чорвадор аҳолининг мил.авв. VIII аср охирларида дастлаб Сўғдиёнага[22,с.159], сўнгра янги бой яйловларни ахтариб шарққа силжиган чорвадор аҳолининг бир қисми Туркистон тоғ тизмасининг ўт-ўланга бой, серсув сойлар бўйидаги унумдор ерларни ўзларига макон тутишади. Бир қисми эса Фарғона томон силжиб, Оқтом маданиятига асос солишади[7]. Сирдарё бўйларида қолган чорвадор аҳоли бу ердаги энг қадимги манзилгоҳлар ва кейинроқ шаҳарларга асос солишади.

Ана шундай шаҳарлардан бири Нуртепадан топилган сопол идишлар ва уй-жойлар конструкцияси таҳлили, Евроосиё даштларидан дастлаб Бақтрияга, сўнгра Сўғдга ундан Фарғона томон йўлга чиққан чорвадорларнинг бир қисми, Туркистон тоғ-тизмасининг ўт-ўланга бой яйловларни ва сойлар бўйидаги унумдор ерларини ўзларига макон тутишгани ва ҳудуддаги дастлабки манзилгоҳлар ва шаҳарларга асос солишганлиги борасида фикр билдириш имконини беради. Шундай манзилгоҳлар жумласига, Нуртепа, Сағанақтепа, Сағанақтепа 1 ва катта эҳтимол билан Эски Ховос ёдгорликларини киритиш мумкин. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, чамаси, Аррианда тилга олинган 7 та шаҳар Сирдарё бўйларида дастлаб Бақтрияга ва ундан Сўғдга кейинчалик шарққа томон миграция қилишган чорвадор аҳоли томонидан барпо этилган[23,384с].

Чамаси, айнан уларнинг авлодларини Арриан сўғдлардан фарқли равишда “дарёбўйи варварлари” деб атаган. Уларнинг тили сўғдликлардан фарқ қилган бўлиши сабабли Арриан уларни фарқлаган бўлиши керак. Сўнгги йилларда академик А. Асқаров Евроосиё даштларидан Ўрта Осиёнинг жанубига кўчиб келган чорвадор аҳолининг туркий тилли бўлганлиги борасида фикр билдирмоқда[24,с.81-91].

Аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган қадимий Сирдарё манзилгоҳларида мил.ав. VI-IV асрларга келиб, табақаланиш жараёнлари кучайиб боради. Бу жараёни, хусусан, ёдгорликларнинг марказий мудофаа қобилятларининг мустаҳкамланиши, шаҳар аркининг ва унинг марказий қисмида жойлашган диний марказ - оташкада, зиккуратнинг барпо этилиши, сунъий сув иншоотларининг қурилишида кўришимиз мумкин. Юқоридагиларга асосланиб, ушбу даврда ўрта Сирдарё ҳавзаси чап соҳили ҳудудларида давлатчилик тизими шакллана бошланганлиги борасида хулоса қилиш мумкин. Ушбу ҳудуддаги илк давлатлар ҳарбий конфедерациянинг сўнгги босқичи даражасида бўлиб, ҳарбий демократия принципи асосида ташкил топган. Юнонларга қарши курашда қабилалар иттифоқидаги «мамакенлар» қабиласининг етакчи мавқеи ҳам бундан далолат беради. Шунингдек, юнон босқинчиларига қарши кўзғолоннинг келишилган вақтда бошланиши, сак қўшинларининг дарё ортида тўпланиши буларнинг барчасининг айна бир вақтда содир бўлиши ҳам бежиз эмас. Бу воқеликлар бавосита бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар маълум бир ягона бошқарув бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Авестода қабилалар иттифоқи шаклидаги давлат “дахъю” деб номланган. Бундай давлатни бошқарган шахс “кави” ёки “састар” деб аталган. Улар қabila ва уруғ оқсоқолларидан иборат бўлган халқ йиғини (въяха) да сайланганлар[39]. Шундан келиб чиқилдиган бўлса, давлат бошқарувида халқ йиғини(въяха)ни асосий рол ўйнаган. Шу билан бирга, яйловга биргаликда эгалик қилишган нафа(катта патриархал оила)нинг ҳам худуддаги илк давлатларда муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим.

Милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярми ва милоддан аввалги II аср бошларида ўрта Сирдарё ҳавзаси чап соҳилига шимолдан ва шимолий-шарқдан кўчманчи-чорвачилик билан шуғулланган халқлар кириб келишади. Мутахассислар буни сабабини турлича изоҳлайдилар. Биринчи сабаб, мил.авв. III асрда тектоник кўтарилишлар натижасида, Сирдарёнинг қуйи ўзани ўзгаради ва Сирдарё Оролга энди жанубдан эмас, шимол томондан қуйила бошлайди. Оқибатда, Сирдарёнинг Орол денгизи жанубий қисмидаги қадимги ирмоқлари Оқчадарё, Қувандарё, Инкардарё қуриydi. Натижада, юқоридаги ирмоқлар бўйларида қадимдан умргузаронлик қилиб келган ярим-ўтроқ ва ярим кўчманчи дахлар (дахлар - сарматлар умумий маданиятига мансуб қabila, чирикрат маданияти вакиллари) Сирдарё бўйлаб жануб томон силжишга мажбур бўладилар. Дахларнинг бир қисми Сирдарё бўйлаб, ўрта Сирдарё ҳавзаси чап соҳили худудига келиб ўрнашадилар. Ховос туманидаги Хонтепа қадимий ёдгорлигидан дахларга тегишли сопол буюмлар топилганлиги фикримизнинг далилидир[25,с.10]. шимолдан келган ва ўзларининг қадимги ватанларида кўплаб шаҳарлар барпо этган кўчманчи (дахлар, юечжилар)лар томонидан бу ерларда янги ерлар ўзлаштирилади, янги шаҳарлар барпо этилиб, ўлкада урбанизациянинг ривожланиш жараёнига янги туртки берилади[25, с.15]. Натижада Ховос туманининг ғарбий қисмлари ҳам аҳоли томонидан ўзлаштирилади. Шўрбулоксойнинг қуйи қисмида Эски Ховос ёдгорлигининг тегишли маданий қатламлари, Ширинсойнинг қуйи қисмида эса Мунчоктепа ёдгорлиги қад кўтаради[26,с.36].

Евроосиёнинг даштларида табиий-иқлим шароитининг қуруқлашиши оқибатида мил.авв. XIV-XIII аср бошларида кўчманчи-чорвадор Андроново маданияти қабилалари **Тошкент воҳаси** (Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг ўрта оқимигача бўлган ерлар) да тарқалган. Воҳа пасттекисликларининг яйловларга, Чотқол-Қурама тоғларининг эса темир, мис, олтин, кумуш ва ферузага бойлиги чорвадор Андроново маданияти вакиллариининг бу ерларни макон тутишларига сабаб бўлган. Улардан қолган ёдгорликлар нисбатан кам сонли манзилгоҳлар, қабрлар ва тасодикий топилмалардан иборат бўлиб, асосан чорва моллари боқиш учун қулай бўлган сой ҳавзаси яқинидаги текисликлар ва тоғолди даштларида жойлашган.

Бурғулик маданияти Андроново маданияти трансформацияси яъни кўчманчи чорвачиликдан ўтроқ чорвачиликга ўтиши натижасида вужудга келган[27,с.312]. Бурғулик маданияти шаклланишининг илк босқичлари (мил.авв. IX-VII асрлар) да чуст ва андроново маданиятлари аҳолиси билан бирга борган. Ю.Ф.Буряков Бурғулик маданиятининг шаклланишида Чуст-Эйлатон маданияти таъсиридан ташқари сак аломатлари ҳам асосий ўрин эгаллаганлигини таъкидлаган[14,с.198]. Шунингдек, тадқиқотчи Бурғулик маданиятининг иккинчи босқичи сополларини Фарғона водийсининг мил. авв. V-III асрлар билан саналанган Оқтом-Кўнгай ва Сўфон қабрлари сополлари билан яқинлигини келтирган [37,с.198].Бурғулик маданиятини яратган аҳоли Сирдарё бўйларидан то тоғли худудларигача бўлган ерларга тарқалган, улар хўжалигининг асосини қора моллар етакчи ўрин эгаллаган ўтроқ чорвачилик ва лалми деҳқончилик ташкил этганлиги геоморфологик кузатишлар ва остеологик материаллар асосида аниқланган. Бу маданиятига оид ертўла уй-жойлардан ташкил топган қишлоқлар асосан дарё ҳавзаларига яқин жойларда ва тоғ ва тоғ олди ерларда ёйилган. Ҳозирги пайтгача Бурғулик маданиятига тегишли 20 дан ортиқ аҳоли манзилгоҳлари ва уларда жойлашган 50 дан ортиқ ертўла уй-жойлар аниқланган. Ю.Ф. Буряков ва Х. Дуке, Г.И. Богомолов, М.И. Филанович ва бошқа олимлар олиб борган тадқиқот ишлари натижасида ушбу маданиятга мансуб аҳоли ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига

доир муҳим илмий фикрлар илгари сурилиб, улардан айримлари ўзининг ижобий ечимини топган.

Х. Дуке Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги манзилгоҳнинг (Манзилгоҳ 1) уч томондан эни 20-25 м чуқурлиги 2-2,5 м келадиган хандак ва 40-42x24x12 см ўлчамли хом ғиштдан терилган қалинлиги 2 м мудофаа деворини қайд этиб, уни мил. авв. IX-VIII асрларга оид шаклланаётган шаҳар сифатида тавсифлайди[28.с.57-73]. Бироқ бу маълум эътирозларни келтириб чиқаради. Зеро, Кўктепа (Самарқанд) манзилгоҳининг ертўла уйлардан иборат қўйи маданий қатламининг қалинлиги ҳам 2-3 метр[29.с.12]. Лекин бу ерда манзилгоҳ тараққиётининг иккинчи босқичида шаҳарлашиш жараёни кечган[29,с.18]. Худди шунингдек, Нуртепада ҳам дастлаб ертўлалар бўлган бўлса, кейинги босқичда мил.авв. VI асрда хом ғиштдан қурилган иншоатлар пайдо бўлади. Нуртепа ҳам шаҳар сифатида айнан шу даврда шаҳар мақомига эришади. Шу ўринда Х. Дуке томонидан Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги шаҳар деб таърифланган манзилгоҳнинг фаолият даврини мил.авв. IX-VIII асрлар билан эмас, мил.авв. VI асрлар билан даврлаштириш тўғри бўлади.

Умуман олганда, Х. Дукенинг Бурғулук маданиятидаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва Ю. Ф. Буряковнинг ушбу маданиятни даврлаштириш борасидаги қарашлари баҳсли[30,с.76].

Х.Дукенинг фикрига, Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик ўлкаларида (Бахтрия, Сўғд, Марғиёна) илк деҳқончилик қишлоқлари Яз I босқичида шаклланиб, кейинги (Яз II) босқичда, яъни мил. авв. VIII-VII асрларда суғориш тизимининг такомиллашиши сабаб, қишлоқлар ўрнида қадимги шаҳарлар вужудга келганлигини қарши қўйиш мумкин бўлса, Ю.Ф. Буряков таклиф этган даврлаштириш бўйича Бурғулик маданиятининг олти аср (янги даврлаштириш тартиби бўйича тўққиз аср) давомида ўзгаришсиз давом этганлиги шубҳа уйғотади.

Бурғулик маданияти хўжалигини тадқиқотчи олимлар деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ташкил этганлигини қайд этадилар. Жумладан, Ю.Ф. Буряков Туябўғиз сув омбори худудида олиб борган кузатишларига асосланиб, Бурғулик аҳолиси суғорма деҳқончилик хўжалигини юритган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, экин Оҳангарондан бош олган ариқ орқали суғорилган[31.с.160]. Лекин бу даврда яшаган аҳоли Оҳангарон дарёси ўзанининг биринчи терассасидаги пролювиал ерларида ариқ барпо этиш бўйича етарли техник имкониятларига эга бўлмаган.

Туябўғизлик (Бурғулук I) қадимги аҳолининг хўжалиги сойларнинг этагида ёмғир сувига асосланган лиман усулли (лалми) деҳқончиликга асосланган бўлган. Лекин тажрибадан маълумки, лалми деҳқончилик аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмайди[32,с.174]. Демакки, ортиқча маҳсулот бўлмаган, яъники хусусий мулк бўлмаган. Хусусий мулкни бўлмаганлиги эса бу даврда давлатчилик тизими бўлмаганлигининг исботидир.

Яқин-яқингача Бурғулук маданиятининг иккинчи босқичи мил.авв. III-II асрда Қовунчи маданияти билан алмашади деб келинади. Р. Ибрагимов Бурғулук маданиятини даврлаштириш билан боғлиқ мавжуд қарашларни таҳлил қилиш асосида Бурғулик маданияти бир босқичда, яъни унинг биринчи босқичида фаолият юритганлиги борасида фикр билдиради. Унинг фикрича Бурғулук II деб ажратиб келинаётган босқич, аслида тамоман бошқа (кўчманчи чорвадор саклар маданияти) маданият ҳисобланади[33].

Дарҳақиқат, мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагидан бошлаб Сирдарёнинг ўрта оқими ерларини кўчманчи чорвадор қабилалар эгаллайди. Уларнинг моддий маданияти намуналари Чордара худудида жойлашган мил. авв. VII-VI асрлар оид Жомантўба қабристонинг I қабр-қўрғонида, Бурчмулло қабр-қўрғонида[34,с.103], Шоштепа манзилгоҳи худудидаги қабрларда аниқланган[35,с.55]. Юқоридаги материалларни Ўрта Осиёнинг бошқа ерларидан (Фарғона, Сирдарё) топилган материаллар билан қиёслаш асосида мил. авв. VIII/VII асрларда Тошкент воҳаси худудига чорвадор сак қабиласи келиб жойлашганлиги натижада эса янги маданият қарор топганлиги борасида фикр билдириш мумкин. мил. авв. VII-IV асрларда, воҳадаги Бурғулик маданияти аҳолиси хўжалик шаклини ўзгартириб, сак

кабилалари билан бир ҳудудда яшаган ва кейинчалик улар аралашиб кетган. Шунинг учун Бургулик маданиятининг илк босқичи Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида тарқалган Ёз I мажмуаси даврига мослаштириб, унинг кейинги мил. авв. VIII/VII-IV асрлар даври босқичини алоҳида маданият ёки мажмуа сифатида фанга киритиш мумкин[38,с.33].

Мил.авв. мил. авв. III-II асрларда экологик сабаб туфайли қуйи Сирдарёдан жанубга силжишга мажбур бўлган чирикрабад ва жетиасар маданияти вакиллари Тошкент воҳасига келиб ўрнашадилар. Улар томонидан бу ерларда янги ерлар ўзлаштирилиб, янги шаҳарлар (Шоштепа, Мингўрик), барпо этилади[35, с.9; 36, с.5-6]. Улар асос солган янги маданият фанда Қовунчи маданияти деб номланади. Мутахассислар фикрича, айнан ушбу маданияти вакиллари ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутувчи Қанғ давлатига асос солишган[35, с.3-9].

4. Хулоса:

- мил.авв. XIV-XIII аср бошларида Евроосиёнинг кўчманчи-чорвадор Андроново маданияти қабилалари Тошкент, Сирдарё ва Фарғона ҳудудларига келиб ўрнашишади;
- мил.авв IX-VII асрларда уларнинг трансформацияси натижасида чувт ва бурғулук маданиятлари шаклланади;
- илк темир даври(мил.авв. VII-VI асрлар)да Фарғона, Сирдарё ва Тошкент воҳаларида чорвадор сакларнинг (Оқтом, Нуртепа ва саклар) маданиятлари қарор топади;
- ушбу ҳудудлардаги илк шаҳарлар (Қирқужра, Нуртепа, Оҳангарон манзилгоҳи) айнан шу даврда мил. VII(?)-VI асрларда пайдо бўлади;
- юқоридаги ҳудудларда давлатчилик тизими ҳам шу даврларда пайдо бўлади;
- мил.авв. III-II асрларда ушбу ҳудудларга Сирдарёнинг қуйи оқимларидан чирикрабад ва жетиасар маданиятлари вакиллари келиб ўрнашадилар. Натижада Тошкент воҳаси(Шоштепа, Мингўрик), Сирдарё(Хонттепа) ва Фарғона(Аралтепа, Биловуртепа)да янги ерлар ўзлаштирилади ва урбанизация жараёнига туртки берилади.

Iqtiboslar/ Сноски/References:

1. Анарбаев А, Максудов Ф. Древний Маргилан. – Ташкент, 2007. – С.24 (Anarbaev A., Maksudov F. Ancient Margilan. – Tashkent, 2007, p. 24).
2. Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д. Могильник Шагым – новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы (Кыргызстан) // Археологические исследования в Узбекистане в 2004 – 2005 годы. Вып. 5. Ташкент: Фан, 2005. – С. 256 – 265. (Amanbaeva B.E., Rogozhinsky A.E., Murphy D. The Shagym Cemetery – A New Monument of the Bronze Age of Eastern Fergana (Kyrgyzstan) // Archaeological Researches in Uzbekistan in 2004-2005. Vol. 5. Tashkent: Fan, 2005. pp. 256 – 265.)
3. Баратов С.Р. К проблеме автохтонных культур эпохи бронзы Средней Азии. Международная научная конференция «Древние культуры Евразии», посвящённая 100-летию со дня рождения А.Н. Бернштама. Санкт-Петербург, 13 – 15 декабря 2010 г. Санкт-Петербург. – С. 44 – 53. (Baratov S.R. On the Problem of Autochthonous Cultures of the Bronze Age in Central Asia. International Scientific Conference "Ancient Cultures of Eurasia," dedicated to the 100th anniversary of A.N. Bernshtam's birth. St. Petersburg, December 13-15, 2010. St. Petersburg. pp. 44 – 53.)
4. Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари //O'zbekiston tarihi. №1. Тошкент, 2014. 13-15бб (Matboboev B. The Roots of Early Statehood in Ancient Fergana // History of Uzbekistan. No. 1. Tashkent, 2014. pp. 13-15.)
5. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек,1997. – С. 102 (Zadneprovsky Yu.A. Osh Settlement: History of Fergana in the Late Bronze Age. Bishkek, 1997. p. 102).
6. Матбабаев Б., Абдуллаев В. Оборонительные сооружения древней Ферганы(кон. II тыс.до н.э.- пер.пол.I тыс.н.э.) Т., 2011, с.39 (Matbabaev B., Abdullaev V. Defensive Structures of Ancient Fergana (Late 2nd Millennium BC – Early 1st Millennium AD). Tashkent, 2011. p. 39.)

7. Иванов Г.П., Археологические культуры Ферганы.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1999. (Ivanov G.P., Archaeological Cultures of Fergana: Dissertation... Candidate of Historical Sciences. – Samarkand, 1999)
8. Анарбаев А., Баратов С. Новые археологические работы на поселении Чуст-Бибиона. ИМКУ, 42, Т., 2022. с.216. (Anarbaev A., Baratov S. New Archaeological Work at the Chust-Bibiona Settlement. I.M.K.U, 42, Tashkent, 2022. p. 216.)
9. Бернштам А.Н. Историко–археологические очерки Центрального Тянь–Шаня и Памиро–Алая. – Москва – Ленинград, 1952. –186 с. (Bernstam A.N. Historical and Archaeological Essays on the Central Tian Shan and Pamir-Alai. – Moscow-Leningrad, 1952. – 186 p.)
10. Литвинский Б.А. Памятники эпохи бронзы и раннего железа в кайрак-кумах. Матер. II Всес. совещ. археол и этногр. Средней Азии, М., Л., 1959, с. 191-196 (Litvinsky B.A. Monuments of the Bronze Age and Early Iron Age in Kairak-Kumakh. Materials of the second All-Union Archaeological and Ethnographic Conference of Central Asia. Moscow-Leningrad, 1959. pp. 191-196.)
11. Анарбоев А. А., Баратов С.Р. Урбанизационные процессы в развитии древней культуры на территории Ферганского культурно-исторического региона(эпоха бронзы и раннего железа)// Markaziy Osiyo sivilizatsiyasi tarixida Axsikent (xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari). – Toshkent: “Fan” nashriyoti, 2024. – 18 b. (Anarbaev A.A., Baratov S.R. Urbanization Processes in the Development of Ancient Culture in the Fergana Cultural-Historical Region (Bronze and Early Iron Ages) // Central Asia Civilization History of Aksikent (Materials of the International Scientific-Practical Conference). – Tashkent: "Fan" Publishing, 2024. – p. 18.)
12. Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана. Автореф. дисс. ...канд.ист.наук. Л., 1954 (Zadneprovsky Yu.A. Ancient Fergana. Author's ABSTRACT of the Dissertation... Candidate of Historical Sciences. Leningrad, 1954.)
13. Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа. Автореф. дисс. ...канд.ист.наук.Л., 1961 (Gorbunova N.G. The Culture of Fergana in the Early Iron Age. Author's ABSTRACT of the Dissertation... Candidate of Historical Sciences. Leningrad, 1961.)
14. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. – МИА, 118, М. (Zadneprovsky Yu.A. Ancient Agricultural Culture of Fergana. – MIA, 118, Moscow, 1960)
15. Гаврющенко П.П. Куланчакское укрепленное поселение(к истории Ферганы второй половины I тысяч. до н.э.) Автореферат дис. канд. ист. наук. Фрунзе. 1970. стр. 20 (Gavryushchenko P.P. Kulanchak Fortified Settlement (On the History of Fergana in the Second Half of the first Millennium BC). Author's ABSTRACT of the Dissertation. Frunze, 1970. p. 20.)
16. Анарбаев А.А., Баратов С.Р., Насриддинов Ш., Саидов М., Кубаев С. Археологические исследования на городище Чильхуджра в 2013 г. // Археологические исследования в Узбекистане в 2013 – 2014 гг. Самарканд. Вып. 10. 2016. С. 23 – 36. (Anarbaev A.A., Baratov S.R., Nasriddinov Sh., Saidov M., Kubaev S. Archaeological Research at the Chilkhudzhra Settlement in 2013. // Archaeological Research in Uzbekistan in 2013-2014. Samarkand. Vol. 10. 2016. pp. 23-36.)
17. Матбобоев Б.Х., Алохунов А.А. Фарғона водийси илк темир даври тарихини ўрганиш муаммолари(Эйлатон маданияти)//Қадимий Жиззах воҳаси-тарих, маданий тараққиёт ва замонавий ўзгаришлар чорраҳасида. Жиззах. 2021. 2336 (Matboboev B.H., Alohunov A.A. Problems of Studying the History of the Early Iron Age in the Fergana Valley (Eilatton Culture). // Ancient Jizzakh Oasis – History, Cultural Development, and Modern Changes. Jizzakh, 2021. p. 233.)
18. Горбунова Н.Г. К истории Ферганы в эпоху раннего железа. АСГЭ. Вып.5. Л., 1962. С. 44. (Gorbunova N.G. The History of Fergana in the Early Iron Age. A.S.G.E. Vol. 5. Leningrad, 1962. p. 44.)

19. Горбунова Н.Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы. АСГЭ. Вып. 25. Л.,1984, с.102 (Gorbunova N.G. Some Features of the Formation of Ancient Cultures in Fergana. A.S.G.E. Vol. 25. Leningrad, 1984. p. 102.)

20. Матбобоев Б.Х, Ҳошимов Ҳ.Б. Farg'ona vodiysi ilk temir davrida ilk saklar muammosi. «Markaziy Osiyo xalqlari moddiy va ma'naviy madaniyati: zamonaviy tadqiqotlar, muammo va o'rganish usullari» mavzusidagi ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. – Jizzax DPU, 2023. 224-226 бет (Matboboev B.H., Khashimov H.B. The Problem of the Early Saks in the Early Iron Age of the Fergana Valley. "Central Asian Peoples' Material and Spiritual Culture: Modern Research, Problems, and Study Methods" Scientific-Practical Conference Materials. – Jizzakh DPU, 2023. pp. 224-226.)

21. Сулейманов Р.Х., Гордеева Е. А. К вопросу об особенностях культурогенеза и урбаногенеза юга Уструшаны //Кадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт). Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2019, 96) .(Suleymanov R.Kh. Gordeeva E.A. On the Question of the Features of Cultural Genesis and Urbanogenesis in the Southern Ustrushana // Ancient Jizzakh Oasis – Central Asia Civilization System (Political, Economic, Cultural Life). Republic Scientific-Practical Conference Materials. Jizzakh, 2019, p. 9.)

22. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). – Ташкент. Из-во народного наследия имени А.Кадыри, 2002. – С. 187. рис. 159. (Isamididinov M.Kh. The Origins of Urban Culture in Samarkand Sogdiana (Problems of Interaction of Cultural Traditions in the Early Iron Age and Antiquity). – Tashkent. A.Kadiri Publishing House, 2002. – p. 187. fig. 159.)

23. Арриан Флавий. Анабасис Александра или история походов Александра Великого. Пер. с древнегреч. М.Е. Сергеенко. – М., -Л.: Изд. АН СССР, 1962. – 384 с. (Arrian Flavius. The Anabasis of Alexander or the History of Alexander the Great's Campaigns. Translated from Ancient Greek by M.E. Serebryakov. – Moscow-Leningrad: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1962. – 384 p.)

24. Аскарлов А. Арийская проблема: новые подходы взгляды. «История Узбекистана в археологических письменных источниках». -Ташкент: 2005. -с.81-91 (Askarov A. The Aryan Problem: New Approaches and Perspectives. "History of Uzbekistan in Archaeological Written Sources." – Tashkent, 2005. pp. 81-91.)

25. Кудратов С. Сардобалар ўлкаси.Ташкент, Фан, 2001,10 б. (Kudratov S. The Land of Sardobalas. Tashkent, Fan, 2001. p. 10.)

26. Грицина А.А., Содиқов М.Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда.Самарқанд,2010, 36. (Gritsina A.A., Sodiqov M. Ancient Khavos and Neighboring Territories in Ancient and Medieval Times. Samarkand, 2010. p. 3.)

27. Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. М., – С. 312. (Kuzmina E.E. The Aryans – The Way to the South. M., 2008. p. 312.)

28. Дуке Х.Туябугузские поселения бургулюкской ...– С.57-73. (Duka H. The Tuaybuguz Settlements of the Burgulyuk Culture... pp. 57-73.)

29. Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннежелезного века и античности). // АДД. – Самарканд, 2000. – С. 12. (Isamididinov M.Kh. The Genesis of Urban Culture in Samarkand Sogdiana (Problems of Interaction of Cultural Traditions in the Early Iron Age and Antiquity). // ADD. – Samarkand, 2000. – p. 12.)

30. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т., 1982. С. 76. (Buryakov Yu.F. The Genesis and Stages of Development of Urban Culture in the Tashkent Oasis. Tashkent, 1982. p. 76.)

31. Алимов К., Буряков Ю.Ф., Дуке Х. Древности Туябугуза. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 160. (Alimov K., Buryakov Yu.F., Duka H. Ancient Tuaybuguz. – Tashkent: Fan, 1978. – p. 160.)

32. Массон В.М. Поселение Джейтун. // МИА. №180. – Л.: Наука, 1971. – С. 86-87; Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 174. (Masson V.M. The Settlement of Djeitun. // MIA. No. 180. – Leningrad: Science, 1971. – pp. 86-87; Gulyamov Ya.G., Islamov U., Askarov A. Primitive Culture and the Emergence of Irrigated Agriculture in the Lower Zarafshan. – Tashkent: Fan, 1966. – p. 174.)
33. Ibragimov R.Z. Toshkent vohasining qadimgi davr tarixiy rekonstruksiasi (arxeologik materiallar asosida)/ 07.00.01 – O‘zbekiston tarixi. Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent – 2023 (Ibragimov R.Z. Historical Reconstruction of Ancient Tashkent Oasis (Based on Archaeological Materials). 07.00.01 – History of Uzbekistan. ABSTRACT of Philosophy Doctor (PhD) Dissertation. Tashkent – 2023.)
34. Заднепровский Ю.А. Ранние кочевники Южного Казахстана и Ташкентского оазиса // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. М: Наука, 1992. – С. 103, табл. 37 (Zadneprovsky Yu.A. Early Nomads of Southern Kazakhstan and the Tashkent Oasis // Archaeology of the USSR. Steppe Zone of the Asian Part of the USSR in Scythian-Sarmatian Times. Moscow: Science, 1992. – p. 103, fig. 37.)
35. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Ташкент: Фан, 2010. – С. 55. (Filanovich M.I. Ancient and Medieval History of Tashkent in Archaeological Sources. – Tashkent: Fan, 2010. – p. 55.)
36. Левина Л.М. Этнокультурная история Восточного Приаралья. I тысячелетие до н.э.-I тысячелетие н.э. М., Восточная литература”, 1996, С.5-6 (Levina L.M. Ethno-Cultural History of Eastern Priaralye. First Millennium BC – 1st Millennium AD. Moscow, Eastern Literature, 1996. pp. 5-6.)
37. Буряков Ю.Ф. Ташкентский оазис. Бургулюкская культура. Древнейшая государства Кавказа и Средней Азии М. “Наука”, 1985. -С.198. (Buryakov Yu.F. Tashkent Oasis. Burgulyuk Culture. The Earliest States of the Caucasus and Central Asia. Moscow: "Science," 1985. – p. 198.)
38. Ибрагимов Р. Тошкент воҳаси қадимги давр тарихининг даврлаштирилиши ва хронологияси масаласига доир// Ўтмишга назар. №12.2020.336 (Ibragimov R. The Chronology and Periodization of Ancient Tashkent Oasis History. // Past Perspectives. No. 12, 2020. p. 33.)
39. Авеста. Избранные гимны. Из Видевдота. Пер.с авестийского И. Стеблин-Каменского. М., 1993 (Avesta. Selected Hymns. From the Videvdat. Translated from Avestan by I. Steblin-Kamensky. Moscow, 1993.)

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000